

MChJ "OSIYO AUDIT" AT

Toshkentsh, Yunusobodtumani,
A.Temur1-torko`chasi, 2-uy.
Telefon: +99 (871)236-11-60
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
<http://www.osiyo-audit.uz>



OOO "OSIYO AUDIT" AO

г.Тошкент, Юнусабадский район,
ул.А.Темура, проезд-1, дом -2.
Телефон: +99 (871)236-11-60
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
<http://www.osiyo-audit.uz>

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"SHOHRUD" AJ таъсисчиларига

Фикр

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар "SHOHRUD" МСНҲ (кейинги матнларда "Жамият")нинг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Аудит предмети

Биз "SHOHRUD" МСНҲнинг қуйидагилардан иборат таркибдаги молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик:

- 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 2021 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерия баланси;

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ" Кодекси талаблари ва ахлоқий қоидаларига, шунингдек молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ахлоқ меъёрларига мувофиқ жамиятдан мустақилмиз ва БХАСК кодексида белгиланган бошқа

Ташкилот: "SHOHRUD" AJ

Адлия вазирлигида рўйхатга олинган

1995 йил 06 апрелда берилган № 316 сонли
Гувоҳнома. СТИР: 200851914

Бухоро шаҳри Б.Нақшбанд кўчаси, 195-уй

Хр 2021 0000 6004 0496 9001 МФО 00087

АТБ Кишлоқ қурилиш банк Когон ф-л

Мустақил аудиторлик ташкилоти: МЧЖ АТ "OSIYO AUDIT".

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган

1998 йил 11 августда берилган № 517 регистрация рақамли
Гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси, Молия вазирлиги томонидан
2019 йил 17 апрелда берилган АФ № 00817 сонли Лицензия

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий
Ассоциацияси аъзоси

мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Жамият Раҳбарияти молиявий ҳисоботни БҲМС га мувофиқ тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш, шунингдек **фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботлар тайёрланишини олдини олиш** учун узи зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиш имкониятини баҳолашга, зарур ҳолларда фаолият узлуксизлиги билан **боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этишга**, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар **фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш**, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Оқилона ишонч ишончининг юқори даражасини белгилайди, лекин АХС ларига мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд жиддий хатоларни аниқлашнинг мутлоқ кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар **фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва ушбу бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса**, муҳим хатолик ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида **профиссионал мулоҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни кўллаймиз**. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- **фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш**, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. **Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилиги**, хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилигидан юқори, чунки **фирибгар сохталаштириш**, қасддан хато қилиш, **нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин**;
- **корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш** учун эмас, балки **вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида**, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан **боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади**;

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Исмайлов А.М.

Директор МЧЖ АТ "OSIYO AUDIT"

Исмайлов А.М.

Аудитор.



2022 йил 18 апрел

Ўзбекистон Республикаси, Ташкент вилояти, ...

№25